

«Ҳазратни хотирлаб» кўрсатуви танловининг 47-48 сонлари ғолиблари аниқланди



15:35 / 04.08.2023 1696

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувининг навбатдаги ғолиблари аниқланди. Ҳайъат аъзолари томонидан танловнинг 47-сонидан Андижон вилоятидан Мансуржон Қосимов Расулжон ўғли ва 48-сонидан Тошкент вилоятидан Шоҳсанам Жўраева Зиёвутдин қизи «Энг яхши фикр-мулоҳаза» танловининг ғолиби деб топилди.

Ғолибларга шайх ҳазратларининг шоҳ асарлари бўлмиш олти жилдлик «Тафсири Ҳилол» китоби топширилди.

Азиз мухлислар, кўрсатувнинг аввалги сонларидаги белгиланган муддатдан кейин ҳам ғолибликка муносиб бўлган жуда кўп изоҳлар ёзилди ва ёзилмоқда. Шунинг эътиборига олган ҳолда кўрсатувнинг 50-сонидан бошлаб, ҳар бешта сон оралиғида (яъни, 50-51-52-53-54-55-сонлари) ёзилган изоҳлардан ғолибликка муносиби саралаб олинган бўлди. Бунда изоҳларнинг танлов шартларига мослиги эътиборига олинади.

Кўрсатувнинг навбатдаги сонларини томоша қилинг ва танлов ғолибига айланинг.

Танлов шартлари:

1. Кўрсатув ҳақида умумий фикрингиз.
2. Кўрсатувдаги энг ёққан хотира қайси бўлди?
3. Энг кўп манфаатли бўлган сон қайси бўлди?
4. Барча сонлардан олган 10 та хулосангиз.
5. Кўрсатув бўйича қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?
6. Ҳазрат билан боғлиқ сизнинг қандай хотирангиз бор?